

**«ТАСДИҚЛАНГАН»**  
“Kvarts” aksiyadorlik jamiyati  
акциядорларининг 2021 йил  
6 мартағи Умумий йигилиши  
қарори билан  
(2021 йил 6 мартағи 1-сонли  
баённома)



**“Kvarts” aksiyadorlik jamiyatida манфаатлар түқнашуви вақтида ҳаракат  
қилиш тартиби түғрисидаги  
НИЗОМ  
(янги таҳрир)**

**Кувасой шахри - 2021 й.**

## **МУНДАРИЖА**

- I. Умумий қоидалар
- II. Мазкур низом доирасига кирувчи шахслар
- III. Манфаатлар тўқнашуви турлари
- IV. Жамиятда манфаатлар тўқнашувини бошқаришнинг асосий тамойиллари
- V. Манфаатлар тўқнашуви юзага келишининг сабаблари (шартлари)
- VI. Манфаатлар тўқнашувини олдини олиш
- VII. Манфаатлар тўқнашувини ҳал қилиш
- VIII. Ахборотни ошкор қилиш
- IX. Якунловчи қоидалар

## I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур “Kvarts” aksiyadorlik jamiyatida manfaatlар тўқнашуви вақтида харакат қилиш тартиби тўғрисида»ги Низом (кейинги ўринларда Низом деб аталади) «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (кейинги ўринларда Қонун деб аталади), Корпоратив бошқарув кодекси тавсиялари (Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича комиссия мажлисининг 31.12.2015 й. 9-сонли баённомаси билан тасдиқланган), “Kvarts” aksiyadorlik jamiyatining Устави (кейинги ўринларда Устав деб аталади) ва Жамиятнинг бошқа норматив хужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Мазкур Низом манфаatlар тўқнашуви турлари, тўқнашувни бошқаришнинг асосий тамойиллари, Жамиятда юзага келадиган манфаatlар тўқнашувини олдини олиш ва ҳал этишга доир чоралар, шунингдек Жамият бошқарув органларининг аъзолари, мансабдор шахслари ва ходимларининг мажбуриятлари ва жавобгарлигини белгилайди.

3. Мазкур Низом юзага келиши мумкин бўлган тўқнашувни ўз вақтида аниқлаш, уларнинг юзага келишини олдини олиш ва реал тўқнашувни ҳал этиш мақсадида ишлаб чиқилган.

## II. МАЗКУР НИЗОМ ДОИРАСИГА КИРУВЧИ ШАХСЛАР:

4. Мазкур Низом эгаллаб турган лавозимидан қатъи назар Жамиятнинг бошқарув органлари, мансабдор шахслари ва барча ходимларига қўлланилади.

5. Мазкур Низомга риоя қилиш талаблари Жамият билан фуқаролик-хукукий шартнома асосида ҳамкорлик қилувчи жисмоний шахсларга, агар тегишли мажбуриятлар уларга улар билан тузилган шартномаларда, уларнинг ички хужжатларида ёки қонунда тўғридан-тўғри белгиланган бўлса, қўлланилади.

## III. МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИННИНГ ТУРЛАРИ

6. Жамият фаолиятини амалга ошириш давомида Жамиятнинг бошқарув органлари ва/ёки мансабдор шахслари ва ходимларининг харакатлари (харакатсизлиги) натижасида Жамият контрагентларининг хукуқ ва қонуний манфаatlари бузилиши ҳолатларига йўл қўйилиши мумкин бўлган вазиятларда (кейинги ўринларда манфаatlар тўқнашуви деб аталади) Жамиятнинг (унинг бошқарув органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари) мулкий ёки бошқа манфаatlари билан Жамият мижозлари, истеъмолчилари, пудратчилари, кредиторлари, ҳамкорлари ва бошқа манфаатдор шахсларнинг (кейинги ўринларда контрагентлар деб аталади) мулкий ва бошқа манфаatlар ўртасидаги тўқнашув оқибатида манфаatlар тўқнашуви юзага келиши мумкин.

Жамият фаолиятини амалга ошириш вақтида Жамият ва/ёки унинг ходими ўртасида контрагентнинг иштироки туфайли юзага келган низо ёки келишмовчилик ёки контрагентлар ўртасидаги низо, агар Жамият манфаatlariiga даҳлдор бўлса, ўз моҳиятига кўра манфаatlар тўқнашувининг бир тури хисобланади, чунки ушбулар Жамият ичидаги муносабатларга даҳлдор бўлади ёки даҳл этиши мумкин.

7. Бундан ташқари, Жамият акциядорларининг манфаatlari ўртасида, Жамиятнинг бошқарув ва назорат органлари манфаatlari ва акциядори (акциядорлари) ўртасида, Жамиятнинг бошқарув органлари ўртасида манфаatlar тўқнашуви юзага келиши мумкин (кейинги ўринларда **корпоратив тўқнашув** деб аталади).

Куйидаги оқибатлардан бирига олиб келувчи ёки олиб келиши мумкин бўлган Жамият акциядорлари, Жамият акциядорлари ва бошқарув органлари, инвесторлар (салоҳиятли инвесторлар) ва Жамият ўртасида юзага келадиган келишмовчиликлар ва низолар **корпоратив тўқнашув** деб тушунилади:

а) амалдаги қонун хужжатлари, Жамиятнинг Устави ёки ички хужжатлари меъёрларини, акциядорларнинг ёки акциядорлар гурухининг хукуқларини бузиш;

- б) Жамият, унинг бошқарув органларига ёки моҳиятига кўра улар томонидан қабул қилинадиган қарорларга қаратилган даъволар;
- в) амалдаги бошқарув органларининг ваколатларини муддатидан олдин тугатиш;
- г) акциядорлар таркибидағи муҳим ўзгаришлар.

Акциядорлар ўртасидаги келишмовчиликлар ҳам, агарда Жамият манфаатларига дахлдор бўлса, корпоратив тўқнашувнинг бир тури хисобланади.

8. Мазкур Низомда манфаатлар тўқнашувининг юзага келишининг қуидаги ҳолатлари кўриб чиқилади:

- а) мажоритар акциядорлар (акцияларнинг йирик пакет эгалари бўлган акциядорлар) билан миноритар акциядорлар (катта бўлмаган микдордаги акциялар эгаси бўлган акциядорлар) ўртасида;
- б) Жамият (Жамиятнинг бошқарув органлари) билан унинг акциядори (акциядорлари) ўртасида;
- в) Жамият (Жамиятнинг бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари) билан Жамиятнинг контрагентлари ўртасида;
- г) Жамият билан хизмат вазифаларини бажариш вақтида Жамиятнинг мансабдор шахслари, ходимлари ўртасида.

#### **IV. ЖАМИЯТДА МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИНИ БОШҚАРИШНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ**

9. Жамиятда манфаатлар тўқнашувини бошқаришда қуидаги тамойилларга асосланади:

- а) мавжуд ва юзага келиши мумкин бўлган (потенциал) манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги маълумотлар ошкор қилинишининг мажбурийлиги;
- б) ҳар бир манфаатлар тўқнашувини аниқлашда ва уни ҳал этишда Жамият обрўсига (репутациясига) етадиган хатарни хисобга олган ҳолда индивидуал кўриб чиқиш ва баҳолаш;
- в) манфаатлар тўқнашуви ва уни ҳал қилиш тўғрисидаги ахборотни ошкор қилиш тартибининг ўта маҳфийлиги;
- г) манфаатлар тўқнашувини ҳал этишда Жамият бошқарув ва назорат органлари ҳамда Жамият ходимларининг манфаатлар мувозанатини сақлаш;
- д) Жамият ходими томонидан аниқланган ва Жамият томонидан унинг ўз вақтида ҳал этилишига (олди олинишига) сабаб бўлган манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги хабарни берганлиги туфайли шахсни таъқиб этилишдан ҳимоя қилиш.

#### **V. МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИ ЮЗАГА КЕЛИШИННИНГ САБАБЛАРИ (ШАРТЛАРИ)**

10. Манфаатлар тўқнашуви салбий оқибатларга олиб келади, агарда Жамият ходими хусусий ва бошқа манфаатларга йўл қўйса, четдан таъсир қилишга, Жамият номидан уни объектив фикрига ва харакатларига таъсир кўрсатиб, барча битимлар бўйича Жамиятга қарши рақобат қиласа, ўзи ижро этадиган лавозим мажбуриятлари билан самарадорликни пасайтиrsa, Жамият амалга оширадиган битимлар бўйича таваккалчиликни ошиrsa, Жамиятнинг профессионал обрў-эътиборига ёки молиявий ҳолатига зиён етказса.

Манфаатлар тўқнашуви акциядорнинг ва инвесторларнинг Жамиятга бўлган ишончини йўқотиши, Жамиятнинг ривожланиши учун капитални жалб қилишда салбий акс этиши, Жамиятнинг корпоратив обрўсига путур етказиши, Жамиятнинг банкротлигига ёки қамраб олинишига олиб келиши мумкин.

11. Корпоратив түқнашувлар Жамиятнинг мажоритар ва миноритар акциядорлари ўртасида қуидаги ҳолатлар натижасида юзага келиши мумкин:

а) Жамият томонидан барча акциядорларнинг teng ҳуқуқларини таъминлаш бўйича қонун ҳужжатлари, меъёрий ҳужжатлар ва Жамиятнинг ички ҳужжатлари талабларига риоя қилмаслик;

б) Миноритар акциядорларнинг Жамият фаолиятига ва акциядорларнинг Умумий йиғилиши ҳамда Кузатув кенгashi томонидан қабул қилинадиган қарорларга муҳим таъсир кўрсата олмаслиги.

12. Корпоратив түқнашувлар Жамият (унинг бошқарув органлари) ва акциядорлари ўртасида қуидаги ҳолатлар натижасида юзага келиши мумкин:

а) Жамият томонидан қонун ҳужжатлари, меъёрий ҳужжатлар, Жамиятнинг Устави ва ички ҳужжатлари талабларига риоя қилмаслик;

б) Жамиятнинг ваколатли бошқарув органларини олдиндан огоҳлантирмай, йирик битимлар ва аффилланган шахслар билан битимлар тузиш;

в) Жамият бошқарув органлари томонидан Жамиятнинг молиявий ахволи ёмонлашувига олиб келувчи қарорларнинг қабул қилиниши;

г) Жамият бошқарув органлари таркибига кирувчи шахсларнинг бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларида эгаллаган лавозимлари, бошқа жамиятлардаги улушга (акцияларга) эгалик қилиши тўғрисидаги ахборотларни амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда ошкор қилмаслик ёки тўлиқ бўлмаган ахборотни тақдим этиш.

13. Жамият (унинг бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари) ва Жамиятнинг конрагентлари ўртасида манфаатлар түқнашуви қуидаги ҳолатлар натижасида юзага келиши мумкин:

а) Жамият томонидан қонун ҳужжатлари, меъёрий ҳужжатлар, Жамият Устави ва ички ҳужжатларига, шу жумладан, ваколатларни чегаралаш талабларига риоя қилмаслик;

б) расмий мулоқот меъёrlари ва профессионал одоб-аҳлоқ тамойилларига риоя қилмаслик;

в) Жамият томонидан ҳамда контрагент томонидан шартномавий мажбуриятларнинг бажарилмаслиги;

г) қонунчиликда ва Жамият ички ҳужжатларида белгиланган ўз мажбуриятларини бажармаслик;

д) Жамиятнинг бир ходими томонидан битим тузиш, бухгалтерия ҳисоби ҳисоб-варагларида қайд этиладиган бирламчи ҳисобга олиш ҳужжатларини расмийлаштириш (имзолаш), бухгалтерия ҳисобида битимларни акс эттириш, уларни назорат қилиш, битим тузишда тақдим этиладиган ҳужжатларнинг тўғрилигини ва тўлиқлигини баҳолаш ҳамда контрагентнинг молиявий ахволини мониторинг қилиш бўйича вазифаларнинг бирга қўшиб олиб борилиши;

е) Жамиятнинг бир ходими томонидан пул маблағларининг ўтказилишини (берилишини) санкциялаш ва уларнинг амалдаги ўтказилиши (берилиши) бўйича вазифаларнинг бирга қўшиб олиб борилиши;

ж) Жамиятнинг бир ходими томонидан автоматлаштирилган тизимларнинг маълумотларидан фойдаланиш йўли билан бухгалтерия ҳисобида битимларни акс эттириш имкониятига эга автоматлаштирилган тизимларни бошқариш вазифасини бирга қўшиб олиб борилиши;

з) Жамиятнинг бир ходими томонидан Жамият контрагентларининг операциялари акс этган ҳисобвараги ва Жамиятнинг ўз молиявий ҳамда хўжалик фаолияти акс этган ҳисобварагларни юритиш вазифасининг бирга қўшиб олиб бориши;

и) Жамиятнинг бир ходими томонидан бир вақтнинг ўзида Жамият контрагентининг номидан ҳамда ҳисобидан ва Жамият ҳисобидан битимнинг амалга оширилиши;

к) Жамият ва унинг контрагенлари манфаатларининг шахсий манфаатлардан устунлиги тамойилига риоя қилмаслик, шахсий мақсадларда мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш;

л) битимларни амалга оширишда Жамиятнинг ички лимитларига риоя қилмаслик;

н) шахсий тижорат фаолиятини юритиш;

о) шахсий манфаатлар туфайли Жамият манфаатларига заарар етказган ҳолда бошқа компанияларга ишбилармонлик имкониятларини тақдим қилиш.

14. Жамият (унинг бошқарув органлари) ва мансабдор шахслари, ходимлари ўртасидаги манфаатлар тўқнашуви қуйидаги ҳолатлар натижасида юзага келиши мумкин:

а) Жамият томонидан қонун хужжатлари ва Жамиятнинг ички хужжатлари талабларига риоя қилмаслик;

б) расмий мулоқот меъёрлари ва профессионал одоб-аҳлоқ тамойилларига риоя қилмаслик;

в) хусусий ёки оила аъзолари билан тижорат фаолиятини юритиш;

г) Жамият томонидан ишбилармонлик муносабатлари йўлга қўйилган бошқа компанияда молиявий манфаатларнинг мавжудлиги;

д) бошқа ташкилотда раҳбар, мансабдор шахс сифатида ўриндошлиқ асосида ишлаш ёки унинг бошқарув органларида иштирок этиш;

е) шахсий манфаатлари туфайли Жамият манфаатларига заарар етказган ҳолда бошқа компанияларга ишбилармонлик имкониятларини тақдим қилиш.

## VI. МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

15. Манфаатлар тўқнашувининг ҳар қандай турини олдини олиш мақсадида Жамиятнинг бошқарув органлари, назорат органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари қуйидагиларга мажбурдирлар:

а) қонун хужжатлари, меъёрий хужжатлар, Жамият Устави ва ички хужжатлари, **коррупциянинг олдини олиш сиёсати ва монополияга қарши сиёсатига талабларига риоя қилиш**;

б) манфаатлар тўқнашувининг юзага келишига олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатларни содир этиш ва қарор қабул қилишдан тийилиш, **коррупция ва пораҳўрликка олиб келадиган ҳаракатларнинг олдини олиш**;

в) Жамиятнинг самарали бошқарувини таъминлаш;

г) Жамиятда ғайриқонуний фаолиятни, шу жумладан, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш кабиларни амалга оширишга йўл қўймаслик, **жамиятни монополияга қарши қонунчиликни бузиш билан боғлиқ ҳолатларга жалб қилиш имкониятини истисно қилиш**;

д) товарларни ишлаб чиқаришда (иш ва хизматлар кўрсатишда) юкори натижага эришишни таъминлаш;

е) хар чоракда қонун хужжатларига мувофиқ тегишли бошқарув органларига ҳисоб бериш;

ж) Жамият Устави ва ички хужжатларига мувофиқ ташқи ва ички назоратни амалга ошириш, шу жумладан коррупцияга қарши ва монополияга қарши комплаенс-назорат қилиш;

з) нархи қонун хужжатларида ва Жамият Уставида белгиланган миқдордан ошган йирик битимлар, айрим битимлар ёки ўзаро боғланган бир нечта битимларни Жамият Кузатув кенгашида кўриб чиқиш учун тақдим қилиш;

и) йирик битим ва аффилланган шахслар билан битимлар тузиш шартларини назорат органлари томонидан ўрганилишини амалга ошириш;

к) Кузатув кенгаши томонидан битимни қонун хужжатлари талабларига мувофиқ амалга ошириш тўғрисидаги қарорлар тасдиқланганида, зарур ҳолларда мол-мулкнинг бозор қийматини аниқлаш учун мустақил баҳоловчини жалб қилиш;

л) аффилланган шахслар тўғрисидаги ахборотнинг ҳисобини таъминлаш;

м) қуйидаги битимларни амалга ошириш ва риоя қилиш тартибини ишлаб чиқиш:

- аффилланган шахслар билан;

- Жамият акциядорлари ва аффилланган шахслари билан;

- инсайдерлар билан;

н) Жамиятнинг ваколатли органи томонидан олдиндан тасдиқланмаган йирик битимлар ва афилланган шахслар билан битимларни амалга оширмаслик;

о) Жамият Кузатув кенгашининг руҳсатисиз бошқа юридик шахсларнинг бошқарув ва назорат органларида мансаб эгалламаслик;

п) амалдаги қонун талабларига мувофиқ, Жамият фаолиятига оид ахборотларни ва Жамият Ахборот сиёсати тўғрисидаги Низомга мувофиқ қўшимча ахборотларни ошкор қилиш;

р) акциядорларга ва Мижозларга, бошқарув ва назорат органларига ҳамда бошқа манфаатдор шахсларга тақдим этиладиган бухгалтерлик ҳисоботи ва бошқа чоп этиладиган, шу жумладан, реклама мақсадларида тақдим этиладиган ахборотларнинг тўғрилигини таъминлаш;

с) Жамиятда мавжуд маҳфий ахборотнинг, ушбу ахборот билан фойдаланиш ҳуқуқига эга шахслар томонидан шахсий мақсадларда фойдаланилишининг олдини олиш бўйича чораларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш;

т) оммавий ахборот воситалари ва бошқа манбалардаги Жамият тўғрисидаги салбий ахборотларнинг ҳаққонийлиги ва холислигини ўз вақтида кўриб чиқиш. Салбий ёки ҳақиқатга тўғри келмайдиган ахборотнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган барча фактларга ўз вақтида муносабат билдириш (чоралар кўриш);

у) Жамиятда ўрта ва узоқмуддатлик даврда барқарор даромадлиликка эришишни таъминлаш;

ф) Жамиятнинг ички назорат тизими камчиликларини аниқлашда иштирок этиш;

х) бошқарув ва назорат органлари аъзоларига тўланадиган мукофотларнинг Жамиятнинг молиявий ҳолатига мос келишини, шунингдек Жамият фаолиятидаги эришилган ютуқлар режалаштирилган кўрсаткичларга қанчалик мувофиқ келишини аниқлаш;

ҷ) профессионал ва корпоратив одоб-аҳлоқ тамойилларига риоя қилиш.

16. Жамиятнинг акциядорлари ўртасида, шунингдек Жамият бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари ҳамда унинг акциядори (акциядорлари)

ўртасида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш мақсадида Жамиятнинг бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари қўйидагиларга ҳам мажбурдирлар:

- а) Қонун ҳужжатлари, меъёрий ҳужжатлар, Жамият Устави ва ички ҳужжатларида белгиланган мажоритар ва миноритар акциядорларнинг ҳукуқларига риоя қилиш;
- б) акциядорларнинг қонуний ҳукуқларини таъминлаш масалаларида Жамиятнинг аниқ ва асослантирилган позициясини акциядорларга ўз вақтида етказишни таъминлаш;
- в) эълон қилинган ва ҳисобланган дивидендерларни ўз вақтида тўлаш;
- г) тўқнашувнинг предмети бўлиши мумкин бўлган масалалар бўйича тўлиқ ахборотни акциядорларга тақдим қилиш;
- д) рақобатдош хўжалик жамиятидан акция (улуш) олишда, шунингдек бундай жамиятларнинг бошқарув органларида иштирок этишда Жамиятнинг бошқарув органлари аъзоларининг манфаатдорлиги мавжуд бўлган битимларни аниқлаш;
- е) қабул қилинадиган бошқарув қарорларининг холислигини, пухталигини, мустакиллигини таъминлаш учун Жамиятнинг Кузатув кенгаши таркибига мустакил аъзоларни қўйишига ҳаракат қилиш.

17. Жамиятнинг бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахслари, ходимлари ҳамда контрагентлари ўртасида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш мақсадида Жамият бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари қўйидагиларга ҳам мажбурдирлар:

- а) Жамиятга контрагентлар томонидан ишониб топширилган пул маблағларини ва бошқа қимматбаҳо нарсаларнинг сақланишини таъминлаш;
- б) белгиланган тартибда Жамият тўғрисидаги ахборотни тақдим қилинишини таъминлаш;
- в) маҳфий ва бошқа муҳим ахборотдан фойдаланиш тартибиغا қатъий риоя қилинишини таъминлаш;
- г) товарни (хизматни) шартнома асосида биргаликда келишилган ёки тариф бўйича белгиланган нархда реализация қилиш;
- д) Жамият контрагентларининг манфаатларига зид келадиган битимларни тузишга йўл қўймаслик;
- е) Жамият мижозлари учун товарни (хизматни) профессионал, вижданан реализация қилиш, бозорнинг жорий конъюнктурасидан келиб чиқиб, молиявий самарадорлик нуқтаи назаридан мижозларнинг топширигини имкон қадар мукаммал тарзда бажариш;
- ж) Мижоз аниқ хатоликка йўл қўйган (Мижоз томонидан имзолangan талабнома, ариза ва бошқа ҳужжатларда) вазиятлардан ходимлар ўз шахсий мақсадларида атайн фойдаланишларига йўл қўймаслик. Бундай хатоликлар аниқланганда Жамият ходими ушбу ҳужжатдан фойдаланишнинг олдини олиши ва бу ҳақида мижозни хабардор қилиши зарур;
- з) мижозга берилган тавсиялар бундай масала бўйича мавжуд ахборотнинг вижданан таҳлил қилиниши асосида бўлишини таъминлаш;
- и) Жамият фаолияти давомида яратилган, олинган ва йигилган - қоғоз, магнит ва бошқа қўринишида акс эттирилган хизмат ва тижорат сирига киритилган ахборотнинг Жамият бошқарув органларининг ёки ваколатли мансабдор шахсларининг рухсатисиз сотилиши, тақдим этилиши, нусха қўчирилиши, қўпайтирилиши, айирбошланиши ёки бошқа тарзда тарқатилиши ва тиражланишигига йўл қўймаслик мақсадида ахборотни сақлаш тизимини такомиллаштириш.

18. Шунингдек, Жамият ва унинг мансабдор шахслари, ходимлари, ўз хизмат вазифаларини бажаришларида, улар ўртасида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш мақсадида Жамиятнинг мансабдор шахслари ва ходимлари қўшимча тарзида қуидагиларга ҳам мажбурдирлар:

- расмий мулоқот меъёрлари ва профессионал одоб-аҳлоқ тамойиллари га риоя қилишлари;

жамият мансабдор шахслари ва ходимларининг тўғри хулқ-авторини таъминлаш, коррупция ва пораҳўрликка қарши курашни кўзда тутувчи Жамиятнинг корпоратив аҳлоқ кодексига риоя қилиш;

- белгиланган тартибда битимлар тузиш;

- Жамиятга рақобатдош ташкилотнинг улушкини (акциясини) олиш нияти тўғрисида юқори турувчи мансабдор шахсни ёки Жамият бошқарув ва назорат органларини хабардор қилиш;

- тўқнашув ҳолати юзага келишига олиб келувчи вазиятларнинг пайдо бўлиши тўғрисида юқори турувчи мансабдор шахсни ўз вақтида хабардор қилиш;

- мансабдор шахс ёки унинг оила аъзолари салмоқли молиявий манфаатдор бўлган ташкилотлар ва Жамият билан тижорат фаолияти олиб борадиган ёки олиб бормоқчи бўлган ташкилот тўғрисида юқори турувчи мансабдор шахсни ёзма хабардор қилиш;

- мансабдор шахс ёки унинг оила аъзолари молиявий манфаатдор бўлган ёхуд аффилланган шахс хисобланган ташкилотлар билан Жамият ўртасидаги муносабатларга бевосита таъсир этувчи ҳар қандай фаолиятдан тийилиш;

- манфаатлари Жамият манфаатларига зид келувчи бошқа ташкилотнинг бошқарув органларида иштирок этиш учун дастлаб Жамиятнинг юқори турувчи органларининг руҳсатини олиш;

- бошқа ташкилотда ўриндошлиқ асосида ишлаш тўғрисидаги аҳдини юқори турувчи мансабдор шахсга ўз вақтида маълум қилиш ва кўзланган иш Жамият манфаатларига зид келмаслиги тўғрисидаги ахборотни тақдим этиш.

## VII. МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

19. Жамиятда юзага келадиган манфаатлар тўқнашувини ҳал қилиш учун Жамият бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахслари, ходимлари Жамият манфаатларига тўғри келадиган қонуний ва асосли қарорга келиш учун судгача тартибдаги жараённи амалга оширадилар. Жамият даражасида манфаатлар тўқнашувини ҳал қилиш –тўқнашув тарафлари ўртасида тўқнашувни олдини олиш ёки ҳал қилишга қаратилган судгача бўлган тартиблар мажмуасини амалга ошириш жараёнидир.

Қонуний ва асослантириган, Жамият манфаатларига тўғри келадиган қарорни излаш манфаатлар тўқнашувини ҳал қилишда Жамиятнинг асосий вазифаси хисобланади.

Манфаатлар тўқнашувини судгача ҳал қилишнинг афзалликлари:

- а) ҳамкорлик муносабатларини сақлаш;
- б) ҳаражатларни қисқартириш;
- в) тўқнашувни тез ҳал қилиш.

20. Ҳар қандай манфаатлар тўқнашувини ҳал қилишда Жамиятнинг бошқарув органлари қуидагиларга мажбурдирлар:

- а) юзага келаётган манфаатлар тўқнашувини ва уларнинг сабабларини мумкин қадар тез аниқлаштириш;

б) Жамиятнинг бошқарув органлари ваколатлари ва жавобгарлигини аниқ белгилаб олмоқ;

в) Жамиятда тўқнашувни ҳал қилиш бўйича ваколатли шахсни белгилаш ва зарур ҳолларда, комиссия ташкил қилиш;

г) тўқнашув моҳияти бўйича Жамият позициясини энг қисқа муддатларда аниқлаш, тегишли қарор қабул қилиш ҳамда тўқнашувнинг бошқа тарафни қабул қилинган қарор ҳақида хабардор қилиш;

д) тўқнашувга алоқадор томонга мазкур тўқнашув бўйича Жамиятнинг позицияси аниқ асослаб берилган тўлиқ ҳамда батафсил жавобни юбориш, тўқнашув иштирокчисининг сўровнома ёки талабномасини қаноатлантириши рад қилиш тўғрисидаги хабарни эса қонун ҳужжатлари, меъёрий ҳужжатлар, Жамият Устави ва ички ҳужжатларига мувофиқ асослаб бериш;

е) тўқнашувни ҳал қилишда иштирок этувчи ваколатли шахснинг тўқнашув унинг манфаатлари ёки оила аъзоларининг манфаатларига дахлдорлиги ёки дахлдор бўлиши мумкинлиги тўғрисида дарҳол хабардор қилишини таъминлаш;

ж) тўқнашувга манфаатлари дахлдор бўлган ёки дахлдор бўлиши мумкин бўлган шахсларнинг бундай тўқнашувни ҳал қилиш ва у бўйича қарор қабул қилишда иштирок этмаслигини таъминлаш.

**а) Жамият акциядорлари ўртасида, шунингдек жамият ва унинг акциядорлари ўртасида корпоратив тўқнашувни ҳал қилиш**

21. Жамиятнинг бошқарув органлари аъзоларининг шахсий манфаатлари Жамиятни бошқариш бўйича уларга юклатилган мажбуриятларни лозим даражада бажаришга таъсир қилувчи ёки таъсир қилиши мумкин бўлган ва акциядорларнинг хукукларининг бузилиши ёки Жамиятга зарар етказишига олиб келувчи бошқарув органлари аъзоларининг шахсий манфаатлари ва Жамият акциядорларининг хукуқ ва қонуний манфаатлари ўртасидаги тўқнашув юзага келган ёки юзага келиши мумкин бўлган ҳолларда корпоратив тўқнашув юзага келади ёки юзага келиши мумкин.

22. Корпоратив манфаатлар тўқнашуви юзага келиши мумкин бўлган вазиятларнинг намунавий рўйхати:

а) йирик ва кичик акциядорлар ўртасидаги тўқнашув – Жамиятнинг фойдасини ишлатиш бўйича, миноритар акциядорлар фақат дивиденд кўринишида даромад олиб, мажоритар акциядорлар эса Жамиятнинг молиявий оқимини бошқариш орқали даромад олган ҳолатларда;

б) йирик ва кичик акциядорлар ўртасидаги тўқнашув –миноритар акциядорлар дивиденд олишни маъқул кўрсалар, мажоритар акциядорлар эса Жамиятнинг айланма маблағларини сақлаш ва капитализация учун даромадни йўналтиришга манфаатдор бўлган ҳолатлар;

в) акциядорлар томонидан уларнинг қонуний хукуқ ва манфаатларига қасд қилиш деб тушуниладиган корпоратив хукуқнинг меъёрлари ва тартибини қасдан бўлмаган бузиш билан боғлиқ тўқнашувлар – агар Жамият Жамият тўғрисидаги ахборотни лозим даражада ошкор қилмаса, яқинда бўладиган акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисида акциядорларни хабардор қилмаса ва акциядорларнинг бошқа хукуқларини бузса;

г) агар Жамият акциядорлар хукуқларини қасдан бузса – акциядорларнинг сўрови асосида Жамият фаолияти тўғрисидаги ахборотни олишни акциядорларга рад қилса, келиб тушган таклифлардаги муҳим бўлмаган камчиликлар туфайли умумий йиғилиш кун тартибиға масалаларни киритиш ва Жамиятнинг Кузатув кенгаси ва Тафтиш комиссиясига номзодларни киритиш бўйича акциядорларни рад жавобини беради

д) Жамият ва акциядорлар ўртасидаги тўқнашув – агар Жамият маълум бир

акциядорларга бошқа акциядорлардан устунлик берса, масалан биринчи навбатда мажоритар акциядорларга, кейин эса миноритар акциядорларга дивиденд тұласа;

е) Жамиятни самарали бошқариш ва ижроия органининг виждонан ҳаракатлари бүйича Жамиятнинг акциядорлари ва раҳбарлари ва ижроия органи раҳбарлари ўртасидаги тұқнашув;

ж) Жамиятнинг молиявий ахволини ва рақобатбардошлигини синдириш, масалан, Жамиятни қамраб олишга ҳаракат қилиш ёки унга нисбатан банкротлик тартибини құзғатиши;

з) Жамиятни ёки унинг йирик акциядорларини миноритар акциядорлардан уларга тегишли бўлган акция пакетларини бозор қийматидан ошган нархда сотиб олиш ёки тұқнашувни тугатиш учун воз кечиш ҳақини тұлашга (корпоратив қўрқитиши) жалб қилишга қаратилган миноритар акциядорлар иштирокидаги тұқнашувлар;

и) бошқа вазиятлар.

### **Корпоратив тұқнашувларнинг ҳисобини юритиши**

23. Корпоратив тұқнашувларни кўриб чикиш жараёнини бошлаш учун корпоратив тұқнашув тарафларининг Жамиятга юборган ёзма мурожаати (ариза, хат ёки талаб) асос ҳисобланади.

Корпоратив тұқнашувларнинг ҳисобини юритиши Жамиятнинг Корпоратив маслаҳатчисига (иш юритувчи вазифасини бажарувчи Кузатув кенгаши аъзоси) юклатилади. Корпоратив низоларнинг ҳисоби Корпоратив маслаҳатчидан (иш юритувчи вазифасини бажарувчи Кузатув кенгаши аъзоси) турадиган Корпоратив низоларни қайд қилиш маҳсус Журналида юритилади.

### **Корпоратив тұқнашувларни ҳал қилиш тартиби (регламенти)**

24. Жамиятнинг Корпоратив маслаҳатчиси (иш юритувчи вазифасини бажарувчи Кузатув кенгаши аъзоси) корпоратив тұқнашувга даслабки баҳони беради, масаланинг мазмуни бўйича зарур хужжатларни тайёрлайди ва уларни 2 (икки) иш кунидан кечиқтирмай ушбу корпоратив тұқнашувни ҳал этишга ваколатли бўлган Жамиятнинг органига беради.

25. Агар корпоратив тұқнашувни кўриб чикиш Ижроия органига кўриб чикиш учун берилган бўлса, Ижроия органи раҳбари ёки унинг ўринбосари тұқнашувни ҳал қилиш тартибини белгилайди, буйруқ билан ваколатли шахсни тайинлади. Зарур ҳолларда манфаатлар тұқнашувини коллегиал тарзда ҳал қилиш учун Комиссия тузилади.

26. Ваколатли шахс (Комиссия) манфаатлар тұқнашувини ҳал қилишнинг барча чораларини кўради. Манфаатлар тұқнашувини ҳал қилишнинг имкони мавжуд бўлмаса ваколатли шахс Ижроия органи раҳбарига масалани кўриб чикиш учун киритади.

27. Ижроия органи раҳбари даражасида манфаатлар тұқнашувини ҳал қилишнинг имкони мавжуд бўлмаса, Жамиятнинг Кузатув кенгаши раисига манфаатлар тұқнашуви тұғрисида маълумот берилади.

28. Кузатув кенгаши раиси Ижроия органи раҳбари, шунингдек бевосита Корпоратив маслаҳатчи (иш юритувчи вазифасини бажарувчи Кузатув кенгаши аъзоси) томонидан берилган корпоратив тұқнашув тұғрисидаги маълумотни Кузатув кенгашининг тұқнашувни ҳал қилиш бўйича Қўмитасига (тұқнашувни ҳал қилишга масъул Кузатув кенгаши аъзоси, Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси) беради.

29. Ушбу ахборот тұқнашувни ҳал қилиш бўйича Кузатув кенгашининг Қўмитаси (ишчи гурухи) (тұқнашувни ҳал қилишга масъул Кузатув кенгаши аъзоси, Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси) томонидан кўриб чиқилади.

30. Жамият тақдим қилинган ахборотни кўриб чиқиш ва корпоратив тўқнашувни ҳал қилишнинг махфийлигини сақлашга масъулдир.

31. Келиб тушган ахборот Кузатув кенгашининг тўқнашувни ҳал қилиш бўйича Кўмитаси (ишчи гурухи) (тўқнашувни ҳал қилишга масъул Кузатув кенгashi аъзоси, Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси) томонидан Жамият учун юзага келадиган хавфхатарнинг жиддийлигини баҳолаш ва манфаатлар тўқнашувини ҳал қилишнинг энг маъқбул йўлини танлаш мақсадида батафсил ўрганилиши лозим.

32. Ўрганиш давомида Жамият акциядор томонидан тақдим этилган ахборот корпоратив тўқнашув бўлиб ҳисобланмаслиги ва натижада ҳал қилишнинг махсус чоралари, усулларига муҳтож эмаслиги тўғрисидаги хulosага келиши мумкин.

#### **Корпоратив тўқнашувни ҳал қилиш бўйича амалга ошириладиган чоралар**

33. Жамият манфаатлар тўқнашуви вужудга келганда йўл қўйилган хатоликларни бартараф этиш орқали ва тўқнашувни ҳал этиш чоралари тўғрисидаги қўшимча келишув орқали тўқнашувни ҳал қилишнинг турли хил усулларини қўллаши мумкин, шу жумладан:

а) қонун хужжатлари талаблари ва Жамиятнинг ахборот сиёсати тўғрисидаги Низомга мувофиқ акциядорга тақдим этилиши шарт бўлган, лекин тақдим этилмаган ахборотни тақдим қилиш;

б) Қонун ва Жамият Уставида белгиланган муддатларда акциядорга ҳисобланган, лекин тўланмаган дивидендларни тўлаш;

в) Кузатув кенгashi ва Ижроия органининг аъзосининг Жамият акциядорларининг манфаатларига оид тўқнашувлар юзага келишига сабаб бўлувчи ўз шахсий манфаатларидан воз кечиши;

г) Жамият битимининг ҳақиқий эмас деб топилиши;

д) Ижроия органи раҳбари томонидан Жамият билан тузилган меҳнат шартномаси талаблари бузилган ҳолатда, унинг ваколатларини муддатидан олдин тугатиш;

е) Ижроия органи раҳбари томонидан Жамият Устави қўпол равишда бузилган ва акциядорларга зарар етказилган ҳолатларда, унинг ваколатларини муддатидан олдин тугатиш;

ж) бошқа чоралар.

34. Акциядордар ўртасидаги тўқнашувни ҳал қилиш учун:

а) Корпоратив маслаҳатчи, Кузатув кенгашининг тўқнашувни ҳал қилиш бўйича Кўмитаси аъзолари (тўқнашувни ҳал қилишга масъул Кузатув кенгashi аъзоси), Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси акциядорлар ўртасидаги музокараларда иштирок этиши, акциядорларга ўзларининг тасаррӯфидаги корпоратив тўқнашувга дахлдор бўлган ахборот ва хужжатларни тақдим қилиши, қонун хужжатлари нормалари, Жамиятнинг Устави ва ички хужжатларини тушунтириши мумкин;

б) Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси Жамиятнинг акциядорлари ўртасида юзага келган тўқнашувни ҳал қилишда воситачи сифатида қатнашиши мумкин;

в) Корпоратив маслаҳатчи, Кузатув кенгашининг тўқнашувни ҳал қилиш бўйича Кўмитаси аъзолари (тўқнашувни ҳал қилишга масъул Кузатув кенгashi аъзоси), Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси акциядорларга маслаҳат ва тавсиялар берадилар, акциядорлар имзолашлари учун тўқнашувни ҳал қилишга оид хужжатлар (келишув ва ҳк.) лойиҳаларини тайёрлайдилар, ўз ваколатлари доирасида Жамият номидан тўқнашувни ҳал қилишга ёрдам бериши мумкин бўлган даражада акциядорлар олдида мажбуриятларни қабул қиласидилар;

г) Жамиятнинг бошқарув органлари ўз ваколатларига мувофиқ корпоратив тўқнашувни ҳал қилиш бўйича қарорни амалга оширишни ташкиллаштириши ва тўқнашув иштирокчилари билан Жамият номидан имзоланган келишувларнинг ижросини таъминлаши шарт. Агар тўқнашувнинг тарафи ва Жамият ўртасида уларнинг мажбуриятларининг мазмуни бўйича низо мавжуд бўлмаса, лекин уларни бажариш тартиби, усуллари, муддати ва бошқа шартлари тўғрисида келишмовчиликлар юзага келса, Жамият тўқнашувнинг тарафига юзага келган келишмовчиликларни ҳал қилишни таклиф қилиши ва Жамият акциядор талабларини қондиришга тайёр бўлган шартларни баён қилиши шарт.

д) агар Жамиятнинг акциядор талабини қондириш бўйича розилиги қонун хужжатларида, ушбу тарафнинг Жамият Устави ва ички хужаатларида белгиланган ҳаракатларни содир этиш билан боғлиқ бўлса, Жамиятнинг жавобида бундай шартлар тугал тарзда кўрсатилади, шунингдек, уларни бажариш учун муҳим бўлган ахборот (масалан, акциядор томонидан сўралган ҳужжатлар ёки Жамиятнинг банк реквизитлари нусҳаларини тайёrlаш ҳаки миқдори) хабар қилинади.

35. Корпоратив тўқнашувни ҳал қилиш бўйича келишув қўйидаги ҳолларда қабул қилинган ҳисобланади:

- а) ёзма шаклда расмийлаштирилган бўлса;
- б) корпоратив тўқнашув тарафлари томонидан имзоланган бўлса.

36. Манфаатлар тўқнашувини ҳал қилиш усулларининг белгиланган рўйхати етарлича ҳисобланмайди. Аниқ бир ҳолатда Жамият ҳамда манфаатлар тўқнашувни тўғрисидаги маълумотни аниқлаган ходим ўртасидаги келишувга асосан ҳал қилишнинг бошқа чоралари ҳам қўлланилиши мумкин.

37. Жамиятнинг Корпоратив маслаҳатчиси кўп учрайдиган масалалар ва акциядорларнинг талабларини таҳлил қиласи, ушбу масалалар бўйича барча акциядорларга қўшимча ахборотни тақдим қилиш зарурлиги тўғрисидаги қарорни қабул қиласи ёки Жамиятнинг Ижроия органи раҳбарига ички тартиб ва йўриқномаларга ўзgartiriш, мазкур мурожаатларни юзага келтирувчи сабабларни бартараф қилиш мақсадида бошқа чораларни амалга ошириш бўйича таклифларни киритади.

38. Агар тўқнашувни кўриб чиқиш натижасида Жамиятнинг амалдаги ички хужжатларига ўзgartiriш ишлаб чиқиш ва киритиш зарурияти юзага келса, Кузатув кенгаси ёки Ижроия органи ҳужжатни ишлаб чиқиш ёки тегишли ўзgartiriшлар киритиш тўғрисида қарор қабул қиласи.

39. Корпоратив тўқнашувни ҳал қилиш якунланганда барча материаллар (хатлар, ёзишмалар (шу жумладан, электрон почта бўйича) баённомалар, стенограммалар, ишончномалар, илтимосномалар, мурожаатлар, аризалар, хабарномалар ва бошқалар) Корпоратив маслаҳатчи томонидан Жамият архивига сақлаш учун топширилади.

### **Жамиятнинг бошқарув органлари аъзолари, мансабдор шахслари ва ходимларининг корпоратив тўқнашувни ошкор қилиш ва ҳал қилиш бўйича мажбуриятлари**

40. Корпоратив тўқнашувнинг олдини олиш ва ҳал қилиш мақсадида Жамиятнинг бошқарув органлари аъзолари қўйидагиларга мажбурдирлар:

- а) Жамият ва унинг акциядорлари манфаати учун ҳаракат қилиш;
- б) Жамиятни бошқариш жараёнида қарор қабул қилишда Жамият манфаатларига амал қилмоқ – ўз шахсий манфаатлари, яқин қариндошларининг, дўстларининг ва бошқа учинчи шахсларнинг манфаатини хисобга олмаган ҳолда;
- в) ўзининг аффилланган шахслари тўғрисидаги ахборотни ошкор қилиш;

г) Қонунда белгиланган тартибда Жамият томонидан тузиладиган битимда ўзининг аффиллангани тўғрисидаги ахборотни ошкор этиш;

д) Қонун талаблари ва Жамиятда йирик битимларни тузиш Тартибига мувофиқ йирик битимларни тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

е) Қонун талаблари ва Жамиятнинг аффилланган шахслари билан битимларни тузиш Тартибига мувофиқ аффилланган шахслар билан битимларни тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

ж) Жамиятнинг махфий ахборотини ошкор қилмаслик;

з) манфаатлар тўқнашувига олиб келиши мумкин бўлган вазият ва ҳолатларга йўл қўймаслик (имкон қадар);

и) содир бўлган ёки содири бўлиши мумкин бўлган манфаатлар тўқнашувини ошкор қилиш;

к) содир бўлган манфаатлар тўқнашувини ҳал қилишда кўмаклашиш.

**б) Жамият ва унинг контрагентлари ўртасидаги манфаатлар тўқнашувини ҳал қилиш**

41. Ходимнинг шахсий манфаатдорлиги (тўғри ва билвосита) унга юклатилган мажбуриятларни лозим даражада бажаришга таъсир қилувчи ёки таъсир қилиши мумкин бўлган ва Жамиятнинг хуқуқ ва манфаатларига, мол-мулкига ва (ёки) ишбилармонлик обрўсига зарар етказишига олиб келувчи ходимнинг шахсий манфаатлари ва Жамиятнинг хуқуқ ва қонуний манфаатлари ўртасидаги тўқнашув юзага келган ёки юзага келиши мумкин бўлган ҳолларда Жамият ва унинг контрагентлари ўртасида манфаатлар тўқнашуви юзага келади ёки юзага келиши мумкин.

42. Ходимнинг шахсий манфаатдорлиги – лавозим мажбуриятларни бажариш вақтида ходим томонидан пул, қимматбаҳо буюмлар, бошқа мол-мулк ёки мулкий турдаги хизматлар, ўзи учун, якин қариндошлари ва бошқа учинчи шахслар учун бошқа мулкий хукуқлар билан боғлиқ даромад олиш имкони билан боғлиқ ходимнинг манфаатдорлигидир.

43. Манфаатлар тўқнашувини ошкор қилиш учун Жамиятнинг ходимлари қўйидаги усусларни қўллашлари мумкин:

а) ишга қабул қилиш вақтида манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги ахборотни ошкор қилиш;

б) янги лавозимга тайинлаш вақтида манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги ахборотни ошкор қилиш;

в) манфаатлар тўқнашуви вазияти юзага келиши даражасида ахборотни бир марта ошкор қилиш;

г) бизнес юритишнинг этика мөъёларига риоя қилиш бўйича йиллик аттестацияларни ўтказиш давомида манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги ахборотни ошкор қилиш.

44. Манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги ахборотни ошкор қилиш ходимнинг бевосита бошлиғига, ички назорат хизмати (ички аудит хизмати) бошлиғига, ходимларни бошқариш (кадрлар бўлими) бўйича таркибий бўлинма бошлиғига ёзма тарзда билдирги тақдим қилиш орқали амалга оширилади.

## **Жамият контрагентлари ва ходимлари мурожаатларининг хисобини юритиш**

45. Жамиятга юборилган Жамият ходимининг ёки Жамият контрагентининг манфаатлар тўқнашуви юзага келганлиги тўғрисидаги ёзма мурожаати (ариза, хат ёки талабнома) манфаатлар тўқнашувни кўриб чиқиши жараёнини бошлаш учун асос бўлади.

46. Жамият ходимининг бевосита бошлиғи, Ички назорат хизмати (ички аудит хизмати) бошлиғи, Ходимларни бошқариш бўйича таркибий бўлинма (кадрлар бўлими) бошлиғи, Ижроия органи раҳбари юзага келувчи (мавжуд) манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги ахборотни қабул қилишга масъулдир.

47. Манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги ахборотларнинг хисоби Ижроия органи раҳбарининг қабулхонасида турдиган, Жамият ва контрагентлар ўртасидаги манфаатлар тўқнашувларини қайд қилиш маҳсус Журналида юритилади.

Коррупцияга қарши ва монополияга қарши комплаэнс-назорат хизмати коррупцияга қарши ва монополияга қарши қонунчилликни бузиш билан боғлиқ низоларни ўрганади, низога дастлабки баҳо беради, масаланинг моҳияти бўйича зарур хужжатларни тайёрлайди ва уларни жамият Ижроия органига кўриб чиқиши учун юборади.

48. Жамият фаолиятининг ўзига хос хусусиятини ҳисобга олган ҳолда Жамият ва унинг контрагентлари ўртасида манфаатлар тўқнашуви юзага келишига олиб келиши мумкин бўлган вазиятларнинг намунавий рўйхати:

- а) маълум бир мижозни бошқасидан афзал кўриш (маҳсулот (товар)ларни етказиш, ишни бажариш ёки хизмат кўрсатиш муддати бўйича, нарх сиёсати бўйича ва ҳ.к.)
- б) агар Жамият ходимига ҳақ тўлаш тамоилии Жамиятнинг мижози манфаатларини чеклашга олиб келса, манфаатлар тўқнашуви юзага келиши мумкин;
- в) контрагент билан ишлаш вақтида Жамиятга маълум бўлиб қолган маҳфий ахборотнинг Жамият томонидан ошкор қилиниши;
- г) мижозга хизмат кўрсатиш вақтида Жамият ходими мижоздан моддий бойлик олган ёки талаб қилган ҳолда ёки мижоз томонидан унга бепул хизмат кўрсатилишини талаб қилган ҳолда ўзини нотўғри тутса,
- д) агар Жамиятнинг ходими Жамият Контрагенти билан рақобатдош тижорат ташкилотининг биргалиқдаги эгаси бўлса, манфаатлар тўқнашуви юзага келиши мумкин;
- е) Жамиятнинг бошқарув органлари аъзолари бевосита ёки билвосита манфаатдор бўлган аудиторлик ташкилотига афзаллик бериш;
- ж) Жамиятнинг корпоратив тизимини баҳолатиш учун мустақил ташкилотни танлашда Жамиятнинг бошқарув органлари аъзолари бевосита ёки билвосита манфаатдор бўлган мустақил ташкилотга афзаллик бериш;
- з) Жамиятнинг ходими ўз хизмат лавозимидан фойдаланиши натижасида Жамиятнинг мижози Жамият билан эмас, балки ходим бевосита ёки билвосита манфаатдор бўлган ташкилот билан шартнома тузиши оқибатида Жамият ва ходимлар ўртасида юзага келган тўқнашув;
- и) ходим Жамиятнинг маҳфий ахборотини ўз шахсий мақсадларида фойдаланиши натижасида Жамият ва ходимлар ўртасида юзага келган тўқнашув;
- к) ходим маҳфий ахборотни, олиш ҳуқуқига эга бўлмаган бошқа ходимларга топшириши натижасида Жамият ва ходимлар ўртасида юзага келган тўқнашув;
- л) Жамиятнинг ходимлари ўртасида тўқнашув – агар айрим ходимлар томонидан ўз мансаб ваколати доирасидан четга чиқишига йўл қўйилса;

- м) Жамиятнинг ходимлари ўртасида тўқнашув –бир ходим бошқа бир ходимга унинг мансаб ваколатларини бажаришига тўсқинлик қилса;
- н) бошқа вазиятлар.

### **Манфаатлар тўқнашувини ҳал қилиш тартиби (регламенти)**

49. Жамият ходими контрагентдан ёки бошқа манбалардан тўқнашув ҳолатлари тўғрисидаги ахборотни олса, бу ҳақида юқори турувчи мансабдор шахсни кечиктирмай хабардор қилиши шарт. Агар тўқнашувни Жамиятнинг таркибий бўлинмаси даражасида ҳал қилишнинг имкони бўлмаса, таркибий бўлинма раҳбари 1 (бир) иш куни ичида Ижроия органи раҳбарига ёки унинг ўринбосарига қаршилик, унинг юзага келиш сабаблари, қўлланилган чоралар тўғрисидаги ахборотни тақдим қилиши шарт. Ижроия органи раҳбари ёки унинг ўринбосари тўқнашувни ҳал қилиш тартибини белгилайди, ваколатли шахсни тайинлади. Зарур ҳолларда масалаларни коллегиал тартибда кўриб чиқиш учун манфаатлар тўқнашувини ҳал қилиш Комиссияси ташкил қилинади.

50. Ваколатли шахс (Комиссия) манфаатлар тўқнашувини ҳал қилиш учун барча чораларни кўради. Манфаатлар тўқнашувини ҳал қилишнинг имкони бўлмаса, ваколатли шахс Ижроия органи раҳбарига масалани кўриб чиқиш учун киритади.

51. Манфаатлар тўқнашувини Ижроия органи раҳбари даражасида ҳал қилишнинг имкони бўлмаса, тўқнашув тўғрисидаги маълумот Жамият Кузатув кенгаши раисига етказилади.

52. Ушбу маълумот Кузатув кенгашининг манфаатлар тўқнашувини ҳал қилиш бўйича Қўмитаси (ишчи гурухи) (Кузатув кенгашининг манфаатлар тўқнашувини ҳал қилишга масъул мустақил аъзоси, Кузатув кенгашининг аъзоси) томонидан кўриб чиқилади.

53. Жамият тақдим этилган маълумотларни махфий кўриб чиқиш ва манфаатлар тўқнашувини ҳал қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади

54. Келиб тушган ахборот ваколатли шахс (Комиссия) томонидан Жамият учун юзага келаётган хавфнинг жиддийлигини баҳолаш ва манфаатлар тўқнашувини ҳал қилишнинг энг мувофиқ усулини танлаш мақсадида батафсил текширилиши лозим.

55. Ўрганиш давомида Жамият ходим томонидан тақдим этилган ахборот манфаатлар тўқнашуви бўлиб ҳисобланмаслиги ва натижада ҳал қилишнинг махсус чоралари, усуllibariga мухтож эмаслиги тўғрисидаги хulosaga келиши мумкин.

### **Манфаатлар тўқнашувини ҳал қилиш бўйича қўрилиши мумкин бўлган чоралар (усуllibar)**

56. Жамият манфаатлар тўқнашуви мавжуд эканлиги тўғрисидаги хulosaga келиши мумкин ва уни ҳал қилишнинг турли хил усуllibarini қўллаши мумкин, шу жумладан:

а) ходимнинг шахсий манфаатлariга дахлдор бўлган маълум ахборотдан фойдаланишларини чеклаш;

б) манфаатлар тўқнашувига таъсир кўрсатувчи ва таъсир кўрсатиши мумкин бўлган масалалар бўйича муҳокамаларда иштирок этиш ва қарор қабул қилиш жараёнида иштирок этишдан Жамият ходимининг ўз ихтиёрига кўра воз кечиши ёки уни четлатиш (доимий ёки вақтинчалик);

в) ходимнинг хизмат вазифаларини қайтадан кўриб чиқиш ёки ўзгартериш;

г) агар ходимнинг шахсий манфаатлari унинг хизмат вазифалariiga зид келса, уни вақтинчалик лавозимидан четлатиш;

д) ходимни манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ бўлмаган хизмат вазифаларини бажариши тақозо этувчи лавозимга ўтказиш;

е) ходим томонидан унга тегишли бўлган манфаатлар тўқнашуви юзага келишининг асоси ҳисобланган мол-мулкни ишончли бошқарувга топшириш;

ж) ходимнинг Жамият билан манфаатлар тўқнашувини юзага келтирувчи ўз шахсий манфаатларидан воз кечиши;

з) Жамиятдан ходимнинг ташаббуси билан ишдан бўшатиш;

и) ходим томонидан интизомий хатти-ҳаракатлар содир этилганлиги, яъни ходимнинг ўз айби билан унга юклатилган меҳнат мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун иш берувчининг ташаббуси билан ишдан бўшатиш.

57. Манфаатлар тўқнашувини ҳал қилишнинг келтирилган усуллари рўйхати етарлича эмас. Аниқ бир вазият учун Жамият ва манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги ахборотни ошкор қилган ходимнинг келишуви бўйича уни ҳал қилишнинг бошқа шакллари топилиши мумкин.

58. Аниқ вазиятни инобатга олган ҳолда, мавжуд бўлган манфаатлар тўқнашувини ҳал қилишда имкони борича ҳал қилишнинг энг “юмшоқ” чораси танланади. Зарурият тақозо қилган ҳолларда ёки кўрилган чоралар етарли даражада самарали бўлмаган ҳолларда, қаттиқроқ чораларни кўллаш мумкин.

59. Манфаатлар тўқнашувини ҳал қилишнинг аниқ усулини танлаш тўғрисидаги қарорни қабул қилишда ходимнинг шахсий манфаатининг муҳимлигини ва ушбу шахсий манфаат Жамиятнинг манфаатларига зарар етказишга олиб келиши мумкинлигини инобатга олиш лозим.

### **Манфаатлар тўқнашувини ошкор қилиш ва ҳал қилиш бўйича жамият ходимларининг мажбуриятлари**

60. Манфаатлар тўқнашувини ошкор қилиш ва ҳал қилиш бўйича Жамият ходимлари қуидагиларга мажбурдирлар:

а) ишбилармонлик масалари бўйича қарор қабул қилишда ва ўз меҳнат вазифаларини бажариш вақтида Жамиятнинг манфаатларига амал қилиши - ўз шахсий манфаатлари, яқин қариндошларининг, дўстларининг ва бошқа учинчи шахсларнинг манфаатини ҳисобга олмаган ҳолда;

б) манфаатлар тўқнашувига олиб келиши мумкин бўлган вазият ва ҳолатларга йўл қўйиласлик (имкон қадар);

в) содир бўлган ёки содир бўлиши мумкин бўлган манфаатлар тўқнашувини ошкор қилиш;

г) содир бўлган манфаатлар тўқнашувини ҳал қилишда кўмаклашиш.

### **VIII. АХБОРОТНИ ОШКОР ҚИЛИШ**

61. Жамият ўз корпоратив веб-сайтида Мазкур Низомни, шунингдек унга киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчаларни, тегишли қарор қабул қилинган акциядорларнинг умумий йиғилиши баённомаси имзолангандан кейин 5 (беш) иш кунида жойлаштиради.

### **IX. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР**

62. Мазкур Низом акциядорларнинг Умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланганидан сўнг кучга киради.

Мазкур Низомни тасдиқлаш бўйича акциядорларнинг Умумий йиғилиши қарори акциядорларнинг умумий йиғилишида хозир бўлган акциядорларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

63. Қонунчиликка, Жамиятнинг Устави ҳамда ички ҳужжатларига ўзгариши ва/ёки қўшимча киритилиши муносабати билан ва бошқа ҳолатларда мазкур Низомга ўзгариши ва/ёки қўшимчалар киритилиши мумкин.

Мазкур Низомга ўзгариши ва қўшимчалар акциядорларнинг Умумий йиғилишининг қарори билан тасдиқланганидан сўнг кучга киради.

Мазкур Низомга ўзгариши ва қўшимчаларни тасдиқлаш бўйича акциядорларнинг Умумий йиғилишининг қарори акциядорларнинг Умумий йиғилишида ҳозир бўлган акциядорларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

64. Агар мазкур Низомнинг айрим моддалари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига ва/ёки Жамият Уставига зид бўлса, бу моддалар ўз кучини йўқотади ва мазкур Тартибга тегишли ўзгаришилар киритилгунга қадар ушбу моддалар билан тартибга солинувчи масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги нормалари ва/ёки Жамият Уставига асосан тартибга солинади.

“Kvarts” AJ Бошқарув раиси

А.И.Буриев

